



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 14 май, № 92 (5766)

Сешанба

Истиқболли лойиҳалар ва илғор тажрибалар

Тошкентда бўлиб ўтаётган “Энергетика — Power Uzbekistan — 2013” VIII Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасида намоиш этилмоқда



ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Ўзбекистоннинг энергетика тизимидаги юксак салоҳияти, соҳани янада ривожлантириш ва модернизациялашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тўпланган бой тажриба намоишига айланган мазкур тадбирнинг нуфузи йил сайин ошиб бораёпти. У нафақат минтақамиз, балки дунёнинг ўнлаб мамлакатидан соҳа мутахассислари, йирик ишлаб чиқариш субъектларини жамлаётгани ана шундан далолатдир.



Бу галги тадбир экспозицияси майдони аввалгисига қараганда 45 фоизга кенгайиб, шунга мос равишда иштирокчилар сони ҳам кўпайди: 60 дан зиёд маҳаллий ва хорижий компаниялар ўз маҳсулотларини кенг кўламда намоиш қилмоқда. Улар орасида Германия, Франция, Хин-

дистон, Хитой, Қозоғистон, Украина, Беларусь, Чехия каби давлатларнинг жаҳонга машҳур компаниялари бор. Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар таъриқлаганидек, Президентимиз ташаббуси билан энергетика тизимини ривожлантириш, соҳага ички ва ташқи инвестиция-

ларни жалб этган ҳолда, йирик объектларни барпо қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ошиб бораётди. Бу ҳақда гап кетганда, 2012 йилда Навоий иссиқлик электр станциясида Япониянинг “Мицубиси” компанияси томо-

нидан ишлаб чиқарилган, 478 мегавольт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг ишга туширилгани алоҳида қайд этиш лозим. Негаки, ушбу йирик лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли йилга қўшимча равишда 2 миллиард 800 миллион килловатт-соат электр энергияси ишлаб чи-

қариш имконияти вужудга келди. Энг асосийси, шартли ёқилги сарфи 1,8 марта камайиб, йилига 400 миллион куб метр табиий газ соҳаладиган ёки 110 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ иқтисод қилинадиган бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ДИЛ СЎЗИ

Истиқлол берган неъмат — осуда ҳаёт, фаровон турмуш барчамизнинг, аввало, фарзандларимизнинг бахти, юртимиз келажакнинг асосидир. Президентимиз ўтган ҳафтада нишонланган Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда айни шу хусусда яна бир бор тўхталиб, бу неъматнинг қадрига етиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Айтиш кераки, давлатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазалари ҳар бир инсонни юртимиздаги осуда ҳаёт бардавомлигини таъминлаш учун ҳушёрликка, халқаро майдондаги вазиятни тўғри баҳолаб, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан сезгир муносабатда бўлишга ундайди. Бинобарин, ўз муносабатларини билдираётган юртдошларимиз ҳам айнан шундай фикрда.

Тинчлик-хотиржамлик — бебаҳо неъмат

Абдурасул САЛОМОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Бухоро вилояти: — Шукри, юртимиз тинч, турмушимиз фаровон. Айниқса, кексаларга кўрсатилётган ғамхўрликдан жуда ҳам мамнунман. Қаерга бормайлик, давраларнинг тўри бизники. Эл-юрт эъзозидамиз. Хотира ва қадрлаш куни арафасида эса биз, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Президентимизнинг Фармониغا мувофиқ, моддий рағбатлантирилдик. Ёшим тўксондан ошди. Етти нафар фарзандим, ўттиздан ортиқ невараяу чева-

рам бор. Хонадонимизда деярли ҳар йили тую тантана ўтказилади. Маҳалладошларим ҳам тез-тез йўқлаб туришади. Мақалларга тақлиф қилишади. Кенг ва ёруғ синфхоналар, замонавий ўқув жихозларини кўриб, яширмайман, ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Буларнинг барчаси тинчлик шарофатидан. Хонадонимиз, маҳалламиз тинч бўлса, юрт осойишта бўлади. Буни асло ёддан чиқармаслигимиз, тинчлик иморатини янада мустаҳкамлашга доимо муносиб ҳисса қўшишимиз керак.

(Давоми 2-бетда).

Бельгияда тақдимот

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланди

Бельгиянинг Оуденард шаҳрида бўлиб ўтган “The Geko Ypres rally” халқаро автопойгаси доирасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот ташкил этилди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Тадбирда Оуденард ва Кортрейк шаҳарлари мэриялари вакиллари, Бельгиянинг сайёҳлик агентликлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳозир бўлдилар.

Тақдимотда Ўзбекистоннинг макрокўрсаткичи кўрсаткичлари, жумла-

дан, иқтисодиётнинг ўсиши ҳамда саноат ишлаб чиқариши даражаси тўғрисидаги батафсил маълумотлар қатнашчилар эътиборига ҳавола қилинди. Таъкидланганидек, мамлакатимизнинг сарможий жозибадорлигини юксалтириш йўлида изчил амалга оширилаётган ислохот-

лар чет эл инвестициялари миқдорининг мунтазам ошириши ва Ўзбекистон иқтисодиётининг реал сектори тараққиётига хизмат қилмоқда.

Тадбир меҳмонлари юртимизда халқаро мезонларга жавоб берадиган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, саноат корхоналарини техникавий ҳамда технологик жиҳатдан модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламда чора-

(Давоми 2-бетда).

Қонунчилик фаолиятининг янги босқичи

Маълумки, яқинда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимизда демократик ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, парламент, сиёсий партиялар ва улар фракцияларининг фаолиятини янада тараққий топтириш, бу борадаги модернизация жараёнларида си-

фат жиҳатдан навбатдаги даража ва уфқларни очишга йўналтирилгандир. Бинобарин, унда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг изчил ижроси кўзланган марраларга эришиш, юрт равнақи, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юк-

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда шу йилнинг биринчи чораги мобайнида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми

БИР РАҚАМ ШАРҲИ
ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ҲАЖМИ ВА ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

9,4 фоизга ошди.

2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантириш дастури доирасида истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш, мавжуд қувватларни модернизация қилиш ва янгиларини ишга тушириш, айниқса, маҳаллийлаштириш жараёнларини қучуқлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар туфайли соҳада юқори ўсиш суръати таъминланди.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Хўжайли туманидаги “Nurbek oq oltin” хусусий корхонаси автомобилларга техник хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган.

Хизмат кўрсатишдан ишлаб чиқаришга

Яқинда ушбу корхона раҳбари Лочинбек Хўжалепесов сай-ҳаракати билан автомобиль аккумулятори ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу ерга ўрнатилган хориж технологияси ёрдамида йилига 1000 донагача маҳсулот тайёрлаш мумкин.

— Ушбу лойиҳани амалга оширишда банкнинг 50 миллион сўмлик имтиёзли кредитидан ҳам фойдаландик, — дейди тадбиркор. — “Карэнерджи” номи билан 5 турдаги дастлабки 10 миллион сўмлик аккумуляторларни ички бозорга чиқардик.

Таъкидлаш ўринлики, жорий йилнинг биринчи чорагида туманда жами 690 миллион сўмлик 7 та лойиҳа амалга оширилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Буюртмалар сони ортмоқда

Узун туманидаги “Фидокор Сурхон агроماش” масъулияти чекланган жамияти жамоаси қишлоқ хўжайлиги техникаларини таъмирлаш билан шуғулланиб келади.

— Яқинда техник ва технология ишланмаларни соҳага татбиқ этиш орқали Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг Хонжиза бошқармаси тасарруфидаги техникалар учун эҳтиёт қисмлар ва турли дастгоҳлар ишлаб чиқариш

миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот етказиб берилаёпти. Эътиборлиси, жамоанинг изланишлари туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида 600 миллион сўмлик лизинг ҳамда корхонанинг ўз маблағи эвазига металл

ни қайта ишлаш ҳамда шиша идишлар тайёрлаш цехлари ҳам фойдаланишга топширилди.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сержило бўёқлар сеҳри

Жорий йилнинг биринчи чорагида Қашқадарё вилоятидаги 8 та корхонада Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 15 та лойиҳа амалга оширилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 баробар кўпайди.

Хусусан, Китоб туманида фаолият кўрсатаётган “Воҳа машъали” корхонасида хориж технологияси асосида 2 турдаги лок-бўёқ маҳсулотлари тайёрлашга киришилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги асосий хом ашё — микрокальцит худуддаги тоғ конларидан олинаётгани маҳсулотлар таннархини арзонлигини таъминламоқда.

Корхонада жорий йилнинг биринчи чорагида 200 тоннага яқин лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Аҳод МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

“Бизнес автобус” йўлга чиқди

“Камолот” ЁИХ Наманган вилояти Кенгаши қошидаги “Ёш тадбиркор” ўқув-маслаҳат марказида йигит-қизлар бошланғич бизнес сирларидан сабоқ олишмоқда.

Яқинда бу ерда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган “Бизнес автобус” ёрдамида маҳалла ва ўқув юртига сафарлар уюштирилади. Акцияга “Ёш тадбиркор” ўқув-маслаҳат марказини битириб чиққан 20 нафардан ортиқ ёшлар ва мутахассислар жалб этилган бўлиб, улар замонавий ахборот технологиялари ёрдамида “Менинг бизнес гоям” мавзусида тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Жумладан, Наман-

ган давлат университети, Наманган муҳандислик педагогика институти ва бир қатор касбхунара коллежларида ташкил этилган тадбирлар чоғида 4300 нафар ёш бизнесни йўлга қўйишнинг асосий шартлари бўйича тушунча олдилар. Шундан 174 нафар имтиёзли кредит олиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилган лойиҳаларини амалга оширдилар.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: "Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш".

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни, уй меҳнатини ташкил этиш ва ривожлантириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш асосида янги иш ўринларини яратиш ҳамда ишга жойлаштириш;
- минтехнологиялар ишлатиладиган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш мақсадида ҳудудларнинг имкониятларини ўрганиб чиқишга кўмаклашиш, асосли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш;
- ижтимоий ва бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш борасидаги ишларнинг қўламини янада кенгайтириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати.
2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтда жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳаси ва унинг электрон варианты funduz@parliament.gov.uz; fundnno@parliament.gov.uz электрон манзилига.
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.
4. Ниҳом нусхаси (ташкilot муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ҳамда мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шерилик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 1 июнь соат 18-00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳқўчаси, 1-уй манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтыда танишиш мумкин.

Маълумот учун тел.: 239-26-76, 239-26-64.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

очиқ танлов савдоларига тақлиф этади.

Савдога ТИФ Миллий банки бошқаруви остида 2012 йил 2 ноябрдаги йиғилиши қарорига асосан, қуйидаги кўчмас мулк тақдоран қўйилмоқда: Наманган вилояти, Янгикўрган тумани, «Наврўзобод» ҚФЙ, «Бирлик» МФЙда жойлашган, умумий майдони 1,48 гектар иборат бино-иншоотлар ва сифим жиҳозларидан иборат мулклар мулкрий маҳмуа сифатида.

Бошланғич баҳоси — 559 840 189 сўм.

Танлов тақлифларини қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 24 май куни соат 18.00. Танлов тақлифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва савдонинг ўтказиш 2013 йил 27 май куни 15.00 да «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ мажлислар залида амалга оширилади (тақлифлар тўшмаган тақдирда, савдолар 2013 йилнинг 3 ва 10 июнь кунлари соат 15.00 да тақдоран ўтказилади, тақдоран савдоларга тақлифлар қабул қилиш мuddати 3 июндаги савдо учун 31 май куни, 10 июндаги савдо учун 7 июнь кунлари соат 18.00).

Савдоларга иштирок этиш учун талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган бюртномаларини «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖга тақдим қилинган ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Маълумот учун тел.: 239-26-76, 239-26-64.

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Суд департаменти Фаргона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 2 майдаги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг 2013 йил 15 январдаги 19-1203/17075-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Кува тумани, «Баҳор» ҚФЙ, Мустақиллик қишлоғида 809,25 кв.м. ер майдонида жойлашган, «UNAGRO INVEST» МЧЖга қарашли бўлган мева сақлаш омбори бино-иншоотлари арзонлаштирилган баҳода тақдоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 225 000 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2013 йил 24 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Очиқ аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар 2013 йил 8 майдан бошлаб ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 22 май куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан туман талабгорлар барча савдолар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Фаргона шаҳри, Аҳмад ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй. Телефон: (+99895) 404-54-84.

Лицензия: RR 0094.

МЕДИАТУР

Экотуризм — сайёҳликнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири. Ҳозирги кунда дунё миқёсида соҳанинг ушбу йўналишини янада тараққий эттириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Қолаверса, бунда табиат неъматларини асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодга асл ҳолича етказишдек эзгу мақсадлар ҳам муҳим.

Маълумки, Ўзбекистон сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга мамлакатлар сирасига киради. Зеро, юртимизнинг бетакрор табиати, тарихий осорию атамолари маҳаллий ва хорижий меҳмонларни ҳамиша ҳайратга солиб келган. Бундай ишларни жадаллаштиришда эса ҳуқуқий асосларнинг етарлиги, эко-туризмга мос ҳудудлар кашф этилиб, уларда сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, шу кунларда Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Сентоб қишлоғида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида эко-туризмни ташкил этиш борасида янги лойиҳани юзага чиқаришга киришилди. «Навоий вилоятида экотуризм инфратузилмасини шакллантиришда оилавий тадбиркорликка кўмаклашиш» деб номланган мазкур лойиҳа «Мадад» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда «Сентоб таги жар»

хусусий фирмаси томонидан амалга оширилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон экологик ҳаракати ташаббуси билан уюштирилган медиатур доирасида бир гуруҳ журналистлар ана шу ҳудудда бўлдилар.

Сентоб қишлоғининг табиати, чиндан ҳам, ўзига хос. Бу ерда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турларини, тошларга туширилган тарихий ёзув ва суратларни, шифобахш булоқларни учратиш мумкин. Айтайлик, умумий майдони 17 минг 752 гектардан иборат «Нурота» давлат қўриқхонасида эса судралиб юрвчиларнинг 21, сут эмизувчиларнинг 35, қушларнинг 107, ҳашаротларнинг 816, ўсимликларнинг 815 тури мавжуд. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон «Кизил китоби»га киритилганлиги боис табиат назоратчилари томонидан қўриқланади. Қўриқхона ҳудудидаги қадимий «Шарқ сарви» номи билан аталган арча дарахти, айниқса, бошқа турлардан алоҳида ажралиб туради. Чунки бу дарахт, асосан, Жанубий Помир-Олоё тоғ тизма-

ТАБИАТНИНГ НОЁБ ТУҲФАСИ



Мажрум қишлоқларида экотуризмни ривожлантиришнинг имконияти кенг. Лойиҳа раҳбари Тоҳиржон Камаровнинг айтишича, бу қишлоқлардан туриб, бир вақтнинг ўзига уч хил — тоғ, сув ва чўл манзарасини ку-

затса бўлади. Тоғ чўққисидида «Фозилмон» қўли, атиги ўн беш километр узоқликда жойлашган Қизилқум чўли ва йигирта километр олдидида Айдарқул сайёҳларни жалб этиш баробарида, ҳудудда ишбилармонликни кенгайтиришга ҳам оширилмоқда. Жумладан, «Сентобистон» ва «Шохи Мустафо» хусусий фирмалари айнан ушбу йўналишда фаолият юри- татган бўлса, янги лойиҳа туфайли бундай ишбилармонлар сафи яна биттага кўпайгани, унга ташкилотчилар томонидан сайёҳлик жиҳозлари топирилгани биз учун айна мuddаодир. Чунки бундай лойиҳалар орқали нафақат қишлоғимизга сайёҳлар ташрифи ортмоқда, балки аҳоли орасида каштачилик, зардўзлик сингари анъанавий меҳнат турлари ҳам ривожланмоқда.

Дарвоқе, медиатур доирасида биз «Сентобистон» хусусий фирмасида бўлганимизда, бу ерда дам олаётган бухоролик сайёҳларга дуч келдик. Суҳбат давомида Бухоро шаҳридаги тиквчиликка иxtic oслaштирилган «OFS» масъулияти чекланган жамияти ишчи-ҳодимлари бўлган ушбу меҳмонлар яратилган шарт-шароитлардан мамнун эканликларини, умуман, юртимиз табиати гўзаллиги ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Дарҳақиқат, юртимиз табиати — гўзал. Бунга бир томондан Нурота тоғ тизмаси, бошқа тарафдан Қизилқум чўли ва Айдарқўлга туташ бўлган Сентоб қишлоғи манзараси аққол мисол бўла олади. Улар билан яқиндан танишиш, асраб-авайлаш, келажак авлодга асл ҳолида етказиш ва аҳоли турмушини фаровонлаштиришда эса бу каби лойиҳаларнинг аҳамияти катта, албатта.

Дилшод УЛУМУРДОВ.

Реклама ва эълонлар

Вниманию предприятий газо-, водо- и электроснабжения, других предприятий и частных лиц!

СП ООО «КрокусГазСервис»

предлагает со склада в Ташкенте

одноразовые номерные пломбы:

- € пломбы-наклейки (размером 60 мм x 25 мм),
- € пластиковые пломбы ПК-91РХ-3;

продукцию московского завода «Газдевайс»:

- € ультразвуковые счетчики газа типа АГАТ G-16,
- € водогрейные котлы «Extra».

Товары сертифицированы. Услуги лицензированы.

Контактные телефоны в Ташкенте:

(8-371) 232-21-22, 236-32-66.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Яқкасарой тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2011 йил 3 январдаги 2-124/1-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Shela Ram Textile Trading» ШРГА тегишли, Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Сукрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3781 кв.м. бўлган 4 қаватли ерўлғали маъмурий бино ва иншоотлар тақдоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 160 489 818,4 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 30 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан

16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 28 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Маълумот учун тел.: 239-26-76, 239-26-64.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Юкюри Чирчиқ тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 28 январдаги 11-1024/27010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қишлоқҳўжаликмиё» Юкюри Чирчиқ туманлараро филиалига тегишли, Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, «Уртасарой» ҚФЙ, Уртасарой маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 0,2826 гектар, қурилиш майдони 821,20 кв.м. бўлган бино-иншоотлар тақдоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 182 043 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 31 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 29 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Маълумот учун тел.: 239-26-76, 239-26-64.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Самарқанд вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК 1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

- 1) Самарқанд шаҳри, «Боғишамол Фароч» боғдорчилик жамияти ҳудудида жойлашган икки қаватли дала-ҳовли биноси.
- 2) Самарқанд шаҳри, «Боғишамол Фароч» боғдорчилик жамияти ҳудудида жойлашган икки қаватли дала-ҳовли биноси.

Бошланғич баҳоси — 118 802 926 сўм.

Бошланғич баҳоси — 31 355 878 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 31 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 29 май куни соат 18.00.

Талабгорлар диққатига! Ушбу мол-мулклар 2013 йил 31 майдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, тақдоран аукцион савдоси 2013 йил 17 июнь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиали АТИБ «Ипотека-банк»нинг «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Маълумот учун тел.: 239-26-76, 239-26-64.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Фаргона вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Савдога Куваасой шаҳар СИБ томонидан Фаргона вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 3 майдаги 12-03/9508-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Имкон ЛТД» хусусий фирмасига тегишли, Куваасой шаҳри, «Сойбўйи» МФЙ, Мустақиллик кўчасида жойлашган, металл чиқиндиларни қайта ишлаб, саноат-қурилиш моллари тайёрлаш миницеҳи бино ва иншоотлари тақдоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 207 682 200 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 30 май куни соат 15.00 да ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 28 май соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, Давлат-тижорат Халк банкининг Фаргона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207 122 519.

Маълумот учун тел.: 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси, таниқли ёзувчи

Омон МУХТОРИнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zbekiston» телерадиоканали жамоаси «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳарририни масъул эфирга ушувчисини Маҳмуджон Ориповга волидан муҳтарамаси

МУКАРРАМ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси ҳамда касба уюшмаси кўмитаси Бино ва иншоотлар қурилиш кафедраси профессори

Уткир ЖАББОРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

КАДРИЯТ

Тарихий хотира инсонни иродади, қатъиятли, хушёр ва огоҳ, куч-қудратли ҳамда сабр-матонатли бўлишга ундайди. Уни беғамлик ва бефарқликдан уйғотади, гафлат ботқоғига ботишига йўл қўймайди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ.

АБАДИЯТГА МУХРЛАНГАН ЭҲТИРОМ

Бинобарин, мустақилликнинг илк кунларидан тарихий адолатни тиклаш, шу жумладан, Ватан озодлиги ва халқ бахт-саодати йўлида шаҳид кетган аждодлар хотирасини ёд этишга катта эътибор берилди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан миллатни озодликка даъват этган, Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун курашда қарамонлик кўрсатган, бироқ бундай интилишлари учун ноҳақ қатагон қилинган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида 2000 йилда Бўзсув бўйида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи барпо этилиб, 12 май куни тантанали равишда очилди.

Ҳаёт қисқа муддатда қад ростлаган бу ёдгорлик мажмуи айнан шу

жойда: қўлдан-қўл тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этилган бежиз эмас, албатта. Қатагон йилларида одамларнинг юрагига муҳим из қолдирган бу кўримсиз жарлик "Алвасти кўприк" деб ном олган баробарида бу ерда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари отиб ташланган.

Айтиш жоизки, Мемориал мажмуа учта қатлғоҳ ҳудудда барпо этилган.

Мажмуа марказида баландлиги 27 метрли ротоида жойлашган. Ерқун Фазон мрамми билан қопланган 8 та устун найзасимон учи кўкка буй туган қат-қат бурмали зангори гумбази тутиб туради. Гумбазнинг ички қисми ганч ўймакорлиги билан бе-

затилган бўлиб, ўзбек ва инглиз тилларида "Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган шаҳидлар хотираси манга яшайди", деган ёзув битилган. Ротоида марказида наққошкор миллий безаклар тортилган ўймакор қабр тоши ўрнатилган. Бу муқаддас маконни озоқ юртларда хоки қолган қозил ватандошларимизнинг рамзий қабри деса ҳам бўлади.

Ҳон қурбонларини ёд этиш куни" илк бор нишонланди. Биласиз, 1991 йил айнан шу кунда оғир синовли дамларни бошидан кечирган меҳнатқаш халқимизнинг ушалмаган орзулари амалга ошириб, кўш нурлари каби қайта порлаган эди. "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи ҳам, мазкур музей ҳам қисқа муддат ичида Тошкент шаҳрининг



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ёдгорлик мажмуасининг маънавий-маърифий маркази ҳисобланган "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи эса 2002 йил 31 августда очилган. Шу йили Ўзбекистонда "Қата-

зиёратгоҳларидан бирига айланди. Ватандошларимиз шу ерга келиб, жабрдида ота-боболарини эслаш ва улар руҳига дуо қилиш имкониятига эга бўлдилар.

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакилларининг маданий анъаналар ва миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.

Тошкентда дунё таомлари

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққанлар юртимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиётганини, жумладан, дипломатлар иштирокида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тури спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар, фестиваллар ана шу мақсадга хизмат қилаётганини таъкидлашди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик ваколатхоналари хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан бу гал ўн биринчи бор ташкил этилган маданий анъаналар ва миллий таомлар фестивалида АҚШ, Хитой, Россия, Германия, Франция, Буюк Британия, Швейцария, Корея Республикаси, Малайзия, Япония, Бангладеш, Хиндистон, Саудия Арабистони, Иордания, Миср, Кувейт, Чехия, Украина, Қозғистон, Туркманистон каби ўлтиз етти давлатнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Анжуманга ташриф бу юрган меҳмонлар турли халқларнинг миллий таомларидан татиб кўриш, тайёрлашни усуллари ҳақида маълумот олиш баробарида, маданиятлари, урф-одатлари, қадриятлари ҳамда миллий либослари билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга бўлишди. Элчихоналар учун ажратилган бўлим олдида яқинлашган ҳар бир киши, назаримизда, ўзини гўё бир зумга ана шу давлат ошончасига тушиб қолгандек ҳис этди. Чунки кўрсатилаётган лутф, ён-атрофга илинган ранг-баранг суратлар, таомномалар, умуман, муҳит шундай тасаввур уйғотарди. Масалан, АҚШликлар гамбургер ва хот-доғларини, французлар товۇқ гўштидан, сўдан тайёрланган таомларини, Буюк Британияликлар сабзили, ёнғоқли ҳамда лимон қиёмли пироғларини, шунингдек, хитойликлар дунёга машҳур чойларини, швейцарияликлар эса шоколади тортиларини, Корея Республикаси вакиллари пульқоғи (мол гўштидан таом), самсеқ гёнгдан (гурчудан кекс), японлар эса темпура ҳамда суши (денгиз маҳсулотлари ва гурчудан егулик) каби таомларини тортиқ қилишди.

Юртингизда фаолиятини шу йилнинг февраль ойидан бошлаган эдим. Ҳозирга қадар Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Навоий шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдим. Тарихий бинолар, замонавий иншоотлар, сўлим хиёбонлар менда жуда катта таассурот қолдирди. Айниқса, одамларнинг самимий муносабати, меҳмондўстлигини айтмайсизми?! Бозорларинингнинг фақир таровати ҳам бошқача: ширин-шакар меваларни татиб кўриб, роҳатланиб, киши. Дарвоқе, таомларнингиздан палов, кабоб, шўрва ҳамда сомсани севиб истеъмол қиламан.

Бундай дил изорларини бошқа элчихоналар ходимларидан ҳам ашитдик. Турли тилларда янграган куй-қўшиқлар, ижро этилган рақслар тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Шавкат Ортиқов, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ихтирочи талаба

Бухоро давлат университетининг биринчи босқич талабаси Шерзод Раҳмонов фермер хўжаликлари ҳамда кичик паррандачилик фермаларига мўлжалланган ускуналар ихтиро қилди.

"Орзу — 1", "Орзу — 2" деб номланган ушбу ускуналар соҳада қўл кучини енгилаштиришда асқотади. — Ўғлим Шерзоджон Пешку қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежиди ўқиб юрган кезларда корхонамизда амалиёт ўтаб, турли ўлчамдаги товۇқ қафаслари

тайёрлашга кўмаклашарди, — дейди "Шухрат машсервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Толиб Раҳмонов. — Биласиз, паррандачиликда озқоғи 16-17 хил компонент аралаштирилади. Кичик фермаларда буни қўл кучи ёрдамида бажаришга тўғри келади.

Шерзод шу ишни махсус технология орқали амалга ошириш ғояси билан чиқди. Узоқ изланишлардан сўнг шундай ускуна яратди. Корхонада уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Айни пайтда товۇқ, қўш, қўён қафаслари қатори, ушбу ускуна ҳам бюртмачиларга тақлим қиляпмиз.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИНТИЛИШ

ХАЛҚ BANKI

Обод турмуш йили муносабати билан Давлат-тижорат Халқ банки қуйидаги, миллий валютадаги муддатли янги омонат турларини тақлиф этади:

«Обод турмуш»

- Сақланиш муддати — 6, 9, 12 ой.
Бадал миқдори — чекланмаган.
Қўшимча кирим муомалалари амалга оширилмайди.
Фоииз тўловлари, омонатчининг ихтиёрига кўра, биринчи талаби бўйича ҳар ойда тўланади.
Янги турмуш қурган оилаларга имтиёз сифатида қўшимча равишда 2 фоииз миқдориди даромад тўланади.

«Мустаҳкам оила»

- Сақланиш муддати — 1 йил.
Бадал миқдори — камида 100 минг сўм.
Қўшимча кирим муомалалари амалга оширилмайди.
Фоииз тўловлари, омонатчининг ихтиёрига кўра, биринчи талаби бўйича ҳар ойда тўланади.

«Наврўзинг муборак»

- Сақланиш муддати — 3, 6, 9 ой.
Бадал миқдори — камида 100 минг сўм.
Қўшимча кирим муомалалари амалга оширилмайди.
Фоииз тўловлари, омонатчининг ихтиёрига кўра, биринчи талаби бўйича ҳар ойда тўланади.

«Оила манфаати»

- Сақланиш муддати — 1, 3, 5 йил.
Бадал миқдори — чекланмаган.
Қўшимча кирим муомалалари амалга оширилмайди.
Фоииз тўловлари, омонатчининг ихтиёрига кўра, биринчи талаби бўйича ҳар ойда тўланади.

Хизматлар лицензияланган.

«UNIVERSAL AUKTION INVEST» МЧЖ Фарғона вилояти филиали

очик аукцион савдосига тақлиф этади.

2013 йил 14 июнь куни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Бешарик тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2011 йил 18 августдаги 15-11-02/16594-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «GOLD SOCS TEXTIL» МЧЖда сақланаётган 50 дона тикув машинаси, 2 дона куриштиш дазмолы ва бир дона центрифугадан иборат бўлган мулклар кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 101 213 168 сўм.
Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш бўйича такрорий савдо 2 июль куни соат 10.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кўриши соат 9.00 дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги қилишув»ни имзолангандан сўнг, объект бошланғич

баҳосининг 10 фойиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auction Invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг ОАТ «Савдогар» банки Фарғона вилояти бўлими, МҲО: 00500, СТИР: 302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига тўлашлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аукцион савдоси қуйидаги манзилда ўтказилади: Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй, 16-хона. Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78. Гувоҳнома № 004059.

Санъат байрамига тараддуд

Ўзбекистон Бадий академиясининг Халқаро маданият қарвонсаройида "Турли маданият — ягона дунё" мавзусидаги VII Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

АНЖУМАН

Маълумки, мамлакатимизда барча соҳалар қатори маданият ва санъат жаҳаси ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Айниқса, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган ишлар жажон миқёсида эътироф этилаётир. Шу маънода, халқаро биеннале ҳам навқирон истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлардан биридир.

"Art Week.Style.uz — 2013" санъат ҳафталиги доирасида 22 — 27 октябр кунлари бўлиб ўтаётган мазкур тадбир давомида замонавий тасвирий санъатнинг рангтаъсир, графика, ҳайкалтарошлик каби йўналишлари билан бирга, инсталляция, видео-арт, фото-арт ва бошқа йўналишлар бўйича тайёрланган ижод намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

Фотобиеннале давомида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги йирик кўрғазма заллари санъат ихлосмандлари учун ўз

эшикларни очди. Тадбирлар Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар зали, Халқаро маданият қарвонсаройи ва бошқа санъат қошоналарида ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Бадий академияси "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этаётган ушбу тадбир доирасида таниқли фотосуратнинг шахсий кўрғазмалари намойиши, шунингдек, илмий анжуманлар, маҳорат сабоқлари, санъат ва маданият саройларидаги экскурсиялар, концертлар, ижодий ўрашув ва мулоқотлар уюштириш мўлжалланган.

Маълумотларга кўра, бу йилги биенналеда иштирок этиш учун Буюк Британия, Бельгия, Германия, Норвегия, Польша, Греция, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Озарбайжон каби давлатлар фоторассомларидан мурожаатлар туша бошлади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 3 декабрдаги 1-362-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 102-уйда жойлашган, 2008 йилда қурилган, умумий майдони 9507,23 кв.м., қурилиш майдони 894,44 кв.м. бўлган маъмурий ва ёрдамчи бинолар.

Бошланғич баҳоси — 487 988 700 сўм.
2. Қарши шаҳри, Насаф кўчаси, 79-уйда жойлашган, 1994 йилда қурилган, умумий майдони 3893,75 кв.м., қурилиш майдони 3045,07 кв.м. бўлган омборхона (мебель ишлаб чиқариш цехи) бинолари.

Бошланғич баҳоси — 2 766 555 000 сўм.
3. Қарши шаҳри, Туркистон кўчаси, 62-уйда жойлашган, 2008 йилда қурилган, умумий майдони 2579,26 кв.м., қурилиш майдони 1324,81 кв.м. бўлган омборхона ва ёрдамчи бинолар.

Бошланғич баҳоси — 533 801 000 сўм.
4. Қарши шаҳри, Насаф кўчаси, 79-уйда жойлашган, 1994 йилда қурилган, умумий майдони 3277,70 кв.м., қурилиш майдони 2886,92 кв.м. бўлган омборхона бинолари.

Бошланғич баҳоси — 281 268 600 сўм.
5. Ғузор тумани СИБ томонидан ФИБ Ғузор туманлари судининг 2011 йил 24 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ғузор тумани, Шўртан қўрғониди жойлашган, умумий майдони 5000,0 кв.м. бўлган 50 ўринли чойхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 506 120 000 сўм.
6. Муборак тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 24 июлдаги 2-44-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Муборак шаҳри, 4-микрорайон тумани, Занжирсарой шохқўчасида жойлашган, умумий ер майдони 227,67 кв.м. бўлган супермаркет биноси.

Бошланғич баҳоси — 209 912 700 сўм.
7. Китоб тумани СИБ томонидан ЖИБ Ғузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Китоб тумани, Собир Раҳимов кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 3227,0 кв.м., қурилиш майдони 764,81 кв.м. бўлган «Китоб» меҳмонхонаси.

Бошланғич баҳоси — 300 133 200 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 31 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 29 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фойиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 2020800004920609009, МҲО: 00190, СТИР: 207122519.

Манзил: Қарши ш., М. Абдуллаева к., 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 554. 114 475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ТАҲРИЯТГА КЕЛГАН КЎЗЕМАЛАР ТАКРИЗ ҚИЛИНАЙДИ ВА МУАЛЛИҒГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.
РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАҲРИЯТ ЖАВОБГАР ЭМАС.
ГАЗЕТА ТАҲРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРИЛДИ ҲАМДА ОПЕРАТОР М. БЕГМУРАТОВ ТОМОНИДАН САҲИФАЛАНДИ.
• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусахҳач — С. Исмолов.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10
Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5